# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

2005 YIL 21 IYUN, SESHANBA

№ 73. (6.910). Sotuvda erkin narxda


# Оқсаройда қабул

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 июн куни Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон-Россия муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Россия раҳбарининг ўтган йили Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқаларни янги поғонага кўтариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойиллари асосида равнақ топмоқда. 2004 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард 641,9 миллион долларга етди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 428,7 миллион долларни ташкил этди. Юртимизда Россия сармояси иштирокида тузилган 360 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 45 таси тўлалигича Россия сармояси билан ташкил этилган.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида давлатлараро, шунингдек, минтақалараро алоқалар кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон вилоятлари билан Россия субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорлик учун барча шарт-шароит яратилган.

Ёқилғи-энергетика мажмуи икки томонлама иқтисодий муносабатларнинг муҳим бўғинини ташкил этади. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» очиқ акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган келишувлар табиий газ қазиб олиш ва ташиш, янги нефт-газ конларини тадқиқ этиш ва ўзлаштиришни кўзда тутади. Келишувга биноан, бу мақсадлар учун Ўзбекистонга жами 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилади.

«ЎзДЭУавто»нинг Россия бозоридаги ўрни кенгайиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир. Мазкур қўшма корхона маҳсулотлари Россияда энг кўп сотилаётган хориж автомобиллари орасида биринчи ўринда туради. Шунингдек, «СамКочавто» автобусларини Россияга етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ижтимоий-маданий ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Турли соҳа вакилларининг илмий-амалий симпозиум, конференция ва семинарлари ташкил этилмоқда. Маданият ва санъат арбобларининг учрашувлари ўтказилмоқда. Театрларнинг гастроллари, рассомларнинг кўргазмалари уюштирилмоқда. Ижтимоий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг комплекс дастури ишлаб чиқилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги кўлами ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ва Россиянинг истак ва мақсадлари муштарак эканлигининг ёрқин тасдиғи сифатида эътироф этилди.

Фарит Мухаметшин Ислом Каримовга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мактубини топширди ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

**(ЎзА)**

# Ватан ягона ва муқаддасдир

*Тошкентда ёшларнинг ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтди*







***Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деган сўзлари бугун ҳаётимиз шиорига айланди. Бу сўзлар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун жамият ва айниқса ёшлар учун ғоят қадрлидир. Чунки мустақиллик, тинчлик ва осойишталик - бу энг азиз ва буюк неъмат ҳисобланади.***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки стадионида ёшларнинг ватанпарварлик фестивали ҳам ана шу шиор остида ўтказилгани бежиз эмас.

Тадбир Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзтелерадиокомпания ва «Terra Group» компанияси томонидан ташкил этилди.

**(Давоми 2-бетда)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг* **ФАРМОНИ**

# Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида:**

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилсин.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари иловага мувофиқ белгилансин.

Ягона солиқ тўлови ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача ҳар чоракда тўланиши белгилаб қўйилсин.

2. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, акциз солиғи олинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида солиққа тортиладиган база акциз солиғи суммасига камайтириладиган тартиб ўрнатилсин.

3. Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йилнинг 1 июлигача:

ягона солиқ тўловини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ўртасида тақсимлаш нормативларини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки билан биргаликда ягона солиқ тўловини ҳисоблаш, тўлаш ҳамда уни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Қуйидагилар белгилансин:

илгари микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларида берилган солиқ имтиёзлари ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида амал қилади;

ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда уч ой муддатда «Солиқ маслаҳатчилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, лойиҳада тадбиркорлик субъектларини солиқ қонунчилиги соҳасида маслаҳат ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг амалий механизми кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 20 июн

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармонига илова**

## Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари

| Тўловчилар | Сотилган товарлар (бажарилган ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|
| 1. Иқтисодиёт барча тармоқларининг корхоналари, 2-4-бандларда кўрсатилганлари бундан мустасно | 13 |
| 2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, ягона ер солиғини тўлайдиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно | 6 |
| 3. Юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган корхоналар | 30 |
| 4. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар | 50 |

**Эслатмалар:**

1. Харид, таъминлаш-сотиш корхоналарига, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларига ягона солиқ тўлови жорий этилмайди, улар учун ягона солиқ ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби ва белгиланган ставкалари сақлаб қолинади.

2. Лизинг компаниялари учун ставка лизинг берувчининг даромади (маржа)га нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

# Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

## Улар халқнинг юрагида яшайди

***Норхол Ҳамроева, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, А.Югнакий мавзеси:***

–Ўтган йил баҳорида Тошкентда содир этилган террористик хуружларда мен ўз жигарпорамдан ажрадим. Ўғлим Эркинжоннинг умри бевақт хазон бўлди. У наинки ўз касбига, балки Ватанига содиқ қолиб, ўз кўксини ўққа тутди.

Ўшандан бери жонсиз ҳайкалга ўхшаб қолганман. Гўё ўғлим эшикдан жилмайиб "Ойи, чарчамадингизми?" дея кириб келадигандек йўл пойлайман. Лекин Эркинжонимни дафн қилганимизни эсласам, эзилиб кетаман.

Унинг орзулари кўп эди. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетида иккинчи мутахассислик бўйича ўқишни тугатиб, Ички ишлар соҳасида етакчи мутахассис бўлишни, жажжи ўғли ва қизининг бахтиёр улғайишини истарди. Гоҳида тушкунликка тушса, ёш боладай бағримга бошини қўйиб далда беришимни кутар, хурсанд пайтлари эса фарзандларини эркалаб, барчамизнинг кўнглимизни олишга жон-жаҳди билан киришиб кетар эди.

Бугун эса мен каби отасининг, гулдай келинимнинг бағри куйиб қолди. Ўғли Саиджон ва қизи Нигоржон онасига инжиқлик қилиб "Дадам қачон келади?" дея сўрашаётгани қулоғимга чалинса, минг ёниб, бир ўчаман.

Она ўз жонидан кечиши мумкин, бироқ юрагининг парчаси бўлган боласи билан дийдор кўришиши охиратга қолса, тирик мурдага айланади. Тўғри, вақт ўтган сари айриликка кўникади, лекин бу кўникиш шунчалар оғирки...

Баъзан ўйлайман, бор-йўғи 26 баҳорни кўришга улгурган ўғлим энди оёққа туриб, оғзи ошга етганда қандайдир ғаламисларнинг ғаразли ниятлари қурбони бўлди. Бу номардларга ким ҳуқуқ бердики, ўғлим ва у каби юрт мардларининг ҳаётига тажовуз қилишса?! Уларнинг нима ҳаққи бор менга ўхшаган оналарни бўзлатишга? Наҳотки уларни она туғмаган? Наҳотки улар она қарғишидан қўрқишмаса? Андижонда юз берган воқеаларни эшитиб, ярам яна янгиланди. Мендай қанчалаб оналарнинг кўзидан нур кетганини ҳис қилдим. Уларнинг дардига шерикман ва шуни қайта-қайта айтардимки, биз ўғилларимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Террорчилар итдай ўлим топадилар. Юрт тинчлиги, эл осойишталиги учун жонини аямаган бизнинг фарзандларимиз эса халқнинг юрагида яшайди.

## Тик боқиб курашмоқ лозим

***Ҳаётхон Ортиқбоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, сенатор:***

–Андижонда содир этилган хунрезликлар, бегуноҳ тўкилган юртдошларимизнинг қонлари, тинч, осуда кунларимизга, ширин турмушимизга

**ОНАЛАР ДЕЙДИКИ...**

қилинган тажовуз мустақиллик деган улуғ неъмат қадрига етишни ўргатди, огоҳ бўлишга даъват этди. Андижонда содир этилган мудҳиш воқеалар диний ақидапарастликнинг, халқаро терроризмнинг жирканч қиёфасини яна бир бор намоён этди. Диний экстремизм ўзини "Ислом дини ҳимоячиси" деб атайдими, "Аллоҳ йўлида курашувчи" деб ниқоблайдими, бу ёвуз ниятли қора кучлар асримиз учун бало-қазога, вабога айланганини, менимча, бутун жаҳон аҳли кўриб, ҳис қилиб турибди.

Андижонда бўлган воқеалар шуни исботладики, Ўзбекистонда конституциявий тузумга таҳдид солиш орқали бутун Марказий Осиёни қирғин урушлар ҳудудига айлантиришни ният қилиб турганлар ниятларига ета олмадилар ва ета олмайдилар ҳам. Чунки мамлакатимиз Президенти юритаётган ташқи ва ички тинчликсевар сиёсати билан Марказий Осиёни барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантириш ташаббускори, кафолати бўлиб турибди.

Аёлни чақалоғи билан отиб ташлаган, гаровга олинганларнинг устидан бензин қуйиб ёқиб юборган, "Қуръон"ни ёндирганларнинг исломга қандай алоқаси бор, уларни мусулмон деб аташ мумкинми?

Табаррук заминимизни оёқости қилиб, ёшларимизни манқуртга айлантирмоқчи бўлганларга жавобимиз шундай: "Ўзбек халқини истиқлолнинг нурли йўлидан ҳеч қандай ёвуз куч қайтара олмайди, чунки бу элнинг эътиқоди, имони бутун, юрагида буюк мақсадлари бор".

Андижон фожиаларини ташкил этганлар, хунрезликка пул тўлаганлар, террорчи-жаллодларга далда берганлар, уларни қурол билан таъминлаб турганлар, одамкушлик ғоясини ёшлар онгига сингдираётганлар қаттиқ янглишадилар. Ҳеч бир мамлакатга демократияни четдан тиқиштириш, демократияни сунъий равишда тезлаштириш ҳам мумкин эмас. "Озодлик ва демократияни олға силжитиш" доктринаси ҳақида айюҳаннос солаётганларнинг ҳам даъволари мантиқсизликдир. Машҳур ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати А.Солженицининг "Демократия ҳеч бир мукаммал қонун, ҳеч бир доно сиёсатчи томонидан ўрнатилиши мумкин эмас", деган эътирофини тан олмоқликлари керак.

Газ ва нефтга бой мамлакатларда демократияни тезлаштиришга уринаётганлар, демократия деб ғарбона турмуш тарзини тиқиштираётганлар мақсади эндиликда барчамизга ойдин. Энг ачинарлиси, уларнинг ноғорасига ўйнаган жаҳоннинг баъзи бир оммавий ахборот воситалари Андижонда юз берган фожиалар тафсилотини нотўғри, нохолис талқин қилиш билан юртимизни, юртимиз раҳбарини обрўсизлантиришга уринмоқдалар. Улар мамлакатимизга қарши ахборот урушини эълон қилиб, турли асоссиз уйдирмалар тўқимоқдалар. Ваҳоланки, бу ахборотлар инсон онгига, миллатнинг руҳиятига шикаст етказишини бир сонияга-да унутиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам турли бўҳтонлар, уйдирмалар оқибатида халқимиз руҳияти шикастланишидан асраш биз – зиёлиларнинг бурчимиздир.

**(Давоми 2-бетда)**

# "Кўнглимиз тоғдек кўтарилди"

***Парда Ҳасановни танимаганлар камдан-кам. У суяги меҳнатда қотган инсон. Эсини танибдики, далада. Узоқ йиллар давомида оддий сувчи бўлиб ишлади. Вақт ўтгани сайин унинг ерга бўлган меҳри ҳам орта борди.***

Қарабсизки, кечаги оддий сувчи бош пудрат жамоасига етакчилик қилиш даражасигача кўтарилди. Кўпни кўрган киши эмасми, ер чизиб қолгани йўқ. Ҳар йили режалар ортиғи билан уддаланди. Фақат ғалла эмас, пахтани ҳам қойиллатаяпти.

Биргина ўтган йил натижаларини олиб кўрайлик. Ижарачилар ҳар гектар майдондан 60 центнердан ошириб дон йиғиштириб олишган-ди. Пахтачиликда ҳам юқори ҳосил тўпланди. Бу йилги

**ПРЕЗИДЕНТ НИГОҲИ ТУШГАН ДАЛАЛАР**

кўрсаткичлар эса бундан-да юқори. Натижалар ҳақида фақат қувониб гапириш мумкин.

Биз уни далада учратдик. Кун эса қиздиргандан-қиздиради. Худди тандир дейсиз. Шундай бўлса-да, одамлар шижоат билан меҳнат қилишаяпти. Комбайн дегани гуриллаб ишлаяпти. Очиғи, қуёшнинг тафти баланд кунларда далада меҳнат қилишнинг ўзи бир матонат. Парда Ҳасановда, у етакчилик қилаётган жамоанинг ҳар бир аъзосида ана шу жасорат, матонатни кўриш мумкин.

– Меҳнат қилган одамнинг нони доим бутун бўлади, – дейди Парда Ҳасанов. – Мана ғалламиз, 70 центнердан ошиб тушди. Жамоамизга 16 тонна дон натурага қолди. Бу қилинган меҳнат эвазига, албатта. Хабарларингиз бор, куни кеча Президентимизнинг ўзлари шу даламизга келдилар. Ишонасизми, ҳалигача ҳаяжондаман.

**(Давоми 2-бетда)**

**ҚАДРИЯТ**

***- Ўғил набира кўрсам, катта давра тузиб, курашли тўй бераман, - помуқлик Отамурод чўпон бу гапни ўтрик (бежиз) айтмаган экан.***

Мана, ҳадеб ичимликлар тўлиб-тошадиган тўйлардан зериккан бу қишлоқда эрта тонгданоқ қурни тўлдирган полвонлар ўз сафдошлари билан қишлоқ, туманларга бўлиниб ўтиришибди.

# Ота-бола полвонлар

Шу қишлоқлик Жумақул бобо, муборақлик Нортожи полвон ва бошқа ўнлаб курашимиз фахрийлари эҳтимол ёшликларини эслаб, ҳаракатлари ўзлариникига ўхшайдиган ёшларни излашаётгандир.

Даврани кичкинтой полвонлар бошлашади, аста-секин кураш тушаётганларнинг ёши каттариб, шижоати ортиб боради.

Ота-боболаримиз кураш даврасини орият майдони деб билишган. Даврани кузатиб, беихтиёр полвон боболарнинг қизиқ-қизиқ ҳикоялари ёдимга келади.

...Махтумқули шоир "йигитликнинг зўри сизга меҳмондир", деб бежиз айтмаган экан. Не-не зўрларни мағлуб этган Чори полвон курашни ташлади-ю, ўзини қўярга жой тополмай қолди, давранинг таъмини бир олган киши осонгина ундан кечиб кетолмайди, кексалик юки елкасидан босиб турса-да, юрак қурни қумсайди. Аммо начора, рақиб билан тенгма-тенг олишиш учун биргина истакнинг ўзи кифоя эмас, ҳалиям алпдек саккиз ўғил бирин-кетин эр етишиб қолгани жонига оро киряпти.

**(Давоми 4-бетда)**

# Ўт қўйиш «ўйин»ига ким чек қўяди?

***Ўтган йили далаларда айни ғаллани йиғиштириб олиш мавсумида газетамиз саҳифасида "Ўт қўйганнинг қўли синсин" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Мақола юзасидан вилоят ва тумандаги мутасадди раҳбарларга ғалладан бўшаган майдонларга ўт қўйишнинг олдини олиш ва қайд этилган муаммолар ечимига доир чора-тадбирлар ҳақида таҳририятни хабардор қилиш айтилган эди.***

Афсуски, республикамизнинг айрим туманларида ўт қўйиш «ўйин»и бу йил яна такрорланаётир. Газетамиз саҳифаланаётган пайтда вилоятлардаги мухбирларимиз бу ҳақда ташвиш билан хабар қилишди. Афсуски, ризқ-насибамизни етиштириб берган далаларга тунда ўт қўйиб юборилмоқда.

**АФСУС**

Жумладан, Жиззах вилоятининг Пахтакор, Тошкент вилоятининг Чиноз, Пискент, Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманлари далаларида ғалласи ўриб олинган айрим майдонлар қора тутун исканжасида қолмоқда.

Ўйлаб қоласан киши. Қайси нонкўр ўз ризқ-насибасини берган муқаддас заминга ўт қўйишга журъат этдийкин? Ахир атроф-муҳитнинг тутун билан заҳарланиши, ер устки қатламининг куйиб тамом бўлиши эртага фожиали оқибатларга олиб келмайдими?



Бу қилаётган ишимиз дарахтга чиқиб ўзи ўтирган шохга болта ураётган одамнинг ҳолатини эслатмайдими? Ваҳоланки, далаларга ўт қўйишнинг олдини олишга чек қўядиган мутасадди ташкилот ва идоралар бонг уришлари керак-ку?

**Агросаноат бўлими**

**ТАҚДИМОТ**

***Мутахассисларнинг таъкидлашича, буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг "Темур тузуклари" китоби ёзилганига 600 йил тўлди.***

Яқинда халқаро Амир Темур жамғармаси яна бир хайрли ишни амалга оширди, "Шарқ" нашриётида "Темур тузуклари" китоби Алихонтўра Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимасида янгидан нашр этилди.





# "Темур тузуклари"нинг янги нашри

14 июн куни Темурийлар тарихи давлат музейида ушбу китоб тақдимотига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда сўзга чиққан олимлар, таниқли шоир ва адиблар "Темур тузуклари"нинг жаҳоншумул аҳамияти, янги нашрнинг ўзига хосликлари, бобомиз ўгитларини бугунги кун маънавиятида тутган ўрни ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришди. Халқимизни бу бебаҳо китоб билан илк таништиришда маърифатпарвар аждодимиз Алихонтўра Соғунийнинг хизматлари беқиёс эканлиги тилга олинди. Соғунийнинг фарзанди, айни пайтда иқтисод фанлари доктори Аҳмадёр Шокиров ўша оғир ва мураккаб даврда китобни таржима қилиш билан боғлиқ хотираларини сўзлаб берди.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда "Темур тузуклари" ёзилганининг 600 йиллигига бағишланган ушбу китоб "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг"компанияси ҳамда "Шўртангаз" кимё мажмуаси ҳомийлигида 10000 нусхада чоп этилган.

**Д.МАТКАРИМОВА**

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | |
|---|---|
| БЕНЗИН (76) | 397,9 ▲ + 6,8 |
| БЕНЗИН (91) | 462,0 ▼ - 1,6 |
| ДИЗ.ТОПЛИВО | 281,2 ▲ + 0,3 |
| МАЗУТ | 96,4 ▼ - 29,0 |
| СЖ.ГАЗ | 303,3 ▲ + 13,1 |
| МАСЛО ХЛОПК. | 813,6 ▼ - 19,4 |
| САХАР | 585,2 ▲ + 4,1 |
| МУКА выс.сорт | 280,0 ▼ - 0,1 |



Гурлан туманидаги пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти бу йил туманда етиштириладиган жами хом ашёни қабул қилиб олишни режалаштирган. Айни кунларда бу ерда мавжуд ускуналарни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

СУРАТДА: бош муҳандис Шокир Раҳимов ҳамда ишчи Давлатбой Акмонов.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# “Кўнглимиз тоғдек кўтарилди”

**(Боши 1-бетда)**

Юртбошимиз тўғри ғалла ўрилаётган жойга кириб келсалар бўладими? Пешвоз чиқдим. Ҳаяжонимни ҳеч боса олмасдим. Оғзимга гап келмайди. Нима дейишимни билмайман. Ёшимни сўраб қолдилар. Ўзингиз менга неча ёш берасиз, дедим. 60 ёш, дедилар. Мен 63 ёшдан ошганимни айтганимда, Президентимиз мени қучоқлаб олдилар. Тинчлиги таъминланган, оиласи хотиржам, рўзғори бут киши ҳеч қачон қаримайди, дедим. У киши фарзандларимни сўрадилар. 8 нафар фарзандим борлигини, шу ерда ишлаб, уларнинг ҳаммасини олий маълумотли қилганим ҳақида гапирганимда Президентимизнинг юзларига қувонч югурди. Мени яна бир марта бағриларига босдилар. Очиғи, хурсандчиликдан ҳалигача ўзимга келолмаяпман. Буям битта бахт-да. Мен ҳозир ана шу бахт оғушидаман. Бағрим бутун бўлди.

Дарвоқе, Юртбошимизга “Бешкент” ширкат хўжалиги пахта ва ғалла уруғчилигида яхши натижаларга эришаётгани ҳақида ҳам гапириб бердим. Биз етиштирган “Уманка” навли буғдой хусусиятлари ҳақида сўрадилар. Кейин у киши ҳар бир воҳанинг, туманнинг ўз иқлими, тупроғига мос нави бўлиши керак, дедилар. Сизлар эркин, озод юрт деҳқонларисиз, дедилар.

Президентимиз билан хайрлашар эканман, билакларим кучга тўлгандек, тетиклашгандек, анча ёшаргандек бўлдим. Биласизми, сиз меҳнат қилсангиз, эл-юрт учун тўкинлик яратсангиз, катта-катта мукофотлар беришади. Шу меҳнатингиз учун Юртбошидан ташаккур эшитсангиз, у қўлингизни сиқиб, раҳмат айтса, бундан катта мукофот борми? Ана шундай дамларда ишлаганинг сайин ишлагинг, яшаганинг сайин яшагинг келаверар-кан. Юракда юртимиз эртасига ишонч, эътиқод ҳисси жўш ураверади.

Ҳув, анави шийпон бор-у, атрофи дарахтзор, ўша Содиқ Мирзаевнинг даласи. Жуда зўр деҳқон. Яқинда Президентимиз билан учинчи марта учрашди. У киши ҳам уруғлик пахта етиштиради. Даласини кўрсангиз, дилингиз яйрайди. Ғўзаси гуллаб, кўсак тугиб ётибди. Юртбошимиз у кишининг даласида бўлиб, роса қувондилар. Бешкентлик пахтакорлар тимсолида Қашқадарё пахтачилигига баҳо бердилар.

Айтмоқчи, “Қишлоқ ҳаёти”да “Бешкент” ширкат хўжалиги раиси Қовмиддин Расулов ҳақида ҳам ёзсанглар жуда яхши бўларди. Хўжалик муваффақиятларида у кишининг ҳиссаси ҳам катта-да. Ўзи ёш, серғайрат раҳбар. Президентимиз унинг пахта ва ғалла уруғчилигини ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатларини ижобий баҳоладилар.

Биз ширкат хўжалиги раҳбарини ҳам учратдик.

– Бу йил 800 гектар ерда ғалладан кутганимиздек юқори ҳосил олаяпмиз, – дейди у. – Ҳар гектар ердан ўртача 60 центнердан ошириб ҳосил олинаётгани қувонарли ҳол, албатта. Ғўзамизни ўзингиз кўриб турибсиз. Гектаридан камида 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз. Даромад деганиям шунга яраша ортади-да. Масалан, ўтган йили 300 миллион сўм фойда олган бўлсак, бу йил бу миқдор 450 миллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Президентимизнинг хўжалигимизга ташрифи ширкат аъзоларини ғоят қувонтириб юборди. Одамларимизнинг боши осмонга етди. Энди буям тарихий бир воқеа-да. Мамлакат раҳбари сен ишлаб турган далага келса... Энди бу ҳаяжонни таърифлашнинг ўзи қийин. Кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Энг муҳими, бугун одамларимизнинг кайфияти кўтаринки, ҳосил мўл. Давлатнинг ҳам, одамларнинг ҳам омбори донга тўлмоқда. Бу тўкинлик дегани. Тўкинлик бор жойда эса албатта хайр-барака бўлади.

**Бозор ЭРҚОРОВ,**
**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбирлари.**

# Тараққиёт пойдевори

***Шу йил 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга, бу соҳада кечаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга қаратилган бир неча Фармонлари эълон қилинди. Булар “Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлардир.***

Ушбу Фармонларнинг аҳамияти, ўз олдига қўйган мақсад-моҳияти ҳақида газетхонларга тўлиқроқ тушунча бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Бўритош Мустафоевга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

**- 2005 йил 14 июнь куни эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг мақсади, маъно ва мазмуни, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги аҳамияти ҳақида ўз фикрларингизни сўзлаб берсангиз.**

- Очиғини айтсам, бу даражада кенг миқёсли вазифаларни қамраб олган Фармон, менинг назаримда, биринчи бор қабул қилинаётир.

Маълумки, Президентимиз 2005 йил 28 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашнинг концепциясини, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича олдимизга қўйиладиган ҳамда ўз татбиғини кутаётган асосий вазифаларни баён қилиб берганди. Шу асосда Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашдек мақсад ва вазифаларни амалга ошириш Дастури қабул қилинган эди. Фармонда таъкидланганидек, ушбу Дастурни ижро этиш бўйича тузилган ишчи Комиссия ўтган давр мобайнида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасида катта ишларни бажарди.

Ишчи Комиссия томонидан амалдаги қонун ва норматив ҳужжатларнинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қўйилган вазифаларга мувофиқлиги танқидий таҳлил қилинди. Жойларда бозор ислоҳотларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада қабул қилинаётган қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари талабларини ижро қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг аҳволи ўрганилди.

Шулардан келиб чиқиб эса, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, идоравий норматив ҳужжатларнинг янги лойиҳалари рўйхати тузилди.

Хусусан, Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ, 2005 йил июль-сентябрь ойларида қатор Янги қонун лойиҳалари, шунингдек, “Солиқ кодекси” (2005 йил сентябрь), “Маъмурий кодекс” (2006 йил март)нинг янги таҳрири тайёрланади. 2005 йил июнь – 2006 йил март ойларида Президентнинг қатор Фармонлари ва қарорлари, шу билан бирга, 2006 йил июнь-октябрь ойларида эса Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинади. Янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан эса амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ҳам мўлжалланмоқда.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу ҳужжатда жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш ҳамда маъмурий ислоҳотни амалга ошириш соҳасида қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича фаолиятни Мувофиқлаштириш комиссиясига белгиланган муддатларда 1-иловадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сифатли ишлаб чиқиш ҳамда уларни белгиланган тартибда давлат ҳокимияти олий органлари ва ҳукуматга тасдиқлаш учун тақдим этиш вазифаси топширилди.

Мазкур Фармонда кўзда тутилган янги қонунлар лойиҳалари эса, тайёр бўлишига қараб, Мувофиқлаштириш комиссияси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг муҳокамасига киритилади.

Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида тизимли асосда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий мақсад ва устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Аниқроқ қилиб айтганда, янги қабул қилинган ҳужжатлар тез орада ислоҳотлар янги босқичининг аниқ ижобий натижаларини намоён этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**- Ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни бажаришда Сиз раҳбарлик қилаётган вазирликнинг иштироки қандай бўлади?**

- Фармоннинг 5-бандида Адлия вазирлиги олдида аниқ вазифалар қўйилган. Булар:

- **биринчидан,** қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиб олиш ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва ҳукуматга киритиш таомилидан ўтиши устидан мониторинг ўрнатиш;

- **иккинчидан,** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари юридик экспертизадан ўтказилишини, шунингдек, ушбу Фармонда кўзда тутилган идоравий норматив ҳужжатлар белгиланган тартибда ўз вақтида рўйхатга олинишини таъминлаш;

- **учинчидан,** вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларининг норматив ҳужжатларини қабул қилинадиган қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришлари устидан назорат ўрнатиш.

Адлия вазирлиги ўз Низомига мувофиқ қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш соҳасида давлат бошқаруви органларининг қонунчилик ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга методик раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказади ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан хулосалар беради, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказади ва бу тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилади, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш рўйхатидан ўтказиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш, шунингдек, уларни қўллаш бўйича ишларини назорат қилади.

Ушбу 5-бандда Адлия вазирлигига мазкур соҳада яна бир муҳим вазифа юклатилган. Чунончи, қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрлаш жараёни мониторингини жорий қилиш. Бошқача қилиб айтганда, Адлия вазирлиги бошқа вазирлик ва идоралар томонидан лойиҳалар тайёрланиш жараёнининг кузатувини олиб боради ва мувофиқлаштиради.

**- Энди Президентнинг 2005 йил 14 июнда эълон қилинган яна бир “Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳақида фикрларингизни баён қилсангиз.**

- Бизнинг республикамизда бугунга келиб - 18058 та кичик корхоналар, 94885 та хусусий корхоналар, 116 минг 741 та фермер хўжаликлари фаолият олиб бормоқда, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони - 3357 тага етди. Якка тартибдаги тадбиркорлар сони - 152487 та. Кичик бизнес субъектлари томонидан ўтган йилда 427571 та иш ўринлари ташкил этилган, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги

**ИСЛОҲОТ**

улушининг миқдори 35,6 фоизни ташкил этади. 2007 йилгача 45 фоизга кўтариш мўлжалланган.

Мазкур Фармон авваламбор, мана шу тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Юқорида айтиб ўтилган Парламент палаталарининг шу йил 28 январда ўтказилган биринчи қўшма мажлисида Юртбошимиз асосий устувор вазифалардан бири сифатида давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада чеклашни дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлгани каби, бизда ҳам текширишлар натижалари бўйича молиявий санкцияларни фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтиш борасида ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Куни кеча қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлди. Фармон билан тадбиркорлик субъектларига таъсир чораларини қўллаш тартиби тубдан ўзгартирилди. Жумладан, тадбиркорлик субъектларига қўлланадиган фаолиятини тугатиш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш каби ҳуқуқий таъсир чоралари тегишлича айрим истиснолар билан фақат суд тартибидагина қўлланилиши белгиланди.

Мамлакатда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири назорат қилувчи органларнинг бир-бирини такрорловчи фунцияларини бартараф этиш ҳисобланади. Қабул қилинган Фармонга мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилиши белгиланди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича бошқа турли назорат қилувчи органларнинг ваколатлари бекор қилинди.

Муқобил тарзда текширишга эса фақат қўзғатилган жиноят иши юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга таллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни тайинлаш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш, унда текширишлар сонини кескин камайтириш ҳамда назорат органлари мансабдор шахсларининг рухсат берилмаган текширишлар ўтказилганлиги учун жавобгарлигини кучайтириш, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш масаласини назарда тутилиши топширилди.

Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу орган мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қилмишлари натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарар суд қарори асосида тўла ҳажмда ана шу органлар томонидан қопланиши, бунда зарарларнинг ўрнини қоплаш айбдор мансабдор шахснинг бевосита ўзига юкланиши мумкинлиги белгиланди.

Шунингдек, Фармонда айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун рухсат олиш тартиб-таомилини қисқартириш ва соддалаштириш, шу жумладан, муддатлари чекланмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга лицензиялар (рухсатномалар) бериш тизимини жорий этиш, жумладан, шундай таомилни амалдаги лицензиялар (рухсатномалар)га ҳам татбиқ этиш борасида қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш топширилган.

Ўрни келганда тадбиркорларимизга Адлия вазирлигида доимо ишлаб турган “Ишонч телефони”ларининг рақамларини эслатмоқчиман. Ўзларининг ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаганда, ёки маслаҳат олиш учун улар 133-10-10 ёки 136-05-09 телефонларига қўнғироқ қилишлари мумкин.

**- Ушбу Фармоннинг 3-бандида “Ҳакамлик суди тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш назарда тутилган. Бу янги ҳуқуқий институт ҳақида тушунтириш берсангиз, бу савол кўпчиликни қизиқтирмоқда.**

- Ҳозирги пайтда хўжалик субъектлари ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг нисбатан тез ва самарали усулларини қўллашга, фуқаровий муносабатлар соҳасидаги низоларни ҳал қилиш учун муқобил ҳуқуқий воситаларни излашга эҳтиёж ҳар қачонгидан ортди. Низоларни хўжалик судида тамомила ҳал бўлиши кам учрайдиган ҳол, чунки қонунда суд қарорлари устидан шикоят қилиш процедуралари белгилаб қўйилган. Кўпинча суд процесслари йиллаб давом этади, кўплаб моддий маблағлар ва вақт сарфланади.

Халқаро тажрибага кўра, ҳакамлик судлари тадбиркорлик субъектлари ҳамда уларнинг бирлашмалари томонидан ташкил этилади. Ҳакамлик судлари доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Вақтинчалик ҳакамлик судлари низолашаётган тарафлар томонидан аниқ бир низони ҳал қилиш мақсадида вақтинчалик муддатга тузилади. Доимий ҳакамлик судлари хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал қилиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг бирлашмалари томонидан ташкил этиладиган ва доимий фаолият юритувчи суддир.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунида низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига бериш мумкинлиги назарда тутилган. Яъни, қонунчиликда ҳакамлик судларига ҳаволалар мавжуд бўлиб, лекин ҳакамлик судларининг ҳуқуқий, ташкилий асослари қонунчилик билан тартибга солинмаган эди. Фармон билан бундай қонун лойиҳасини ишлаб чиқишнинг бевосита кўрсатиб қўйилиши келгусида ҳакамлик судлари фаолият юритиши механизмининг қонуний асосларини яратилишига замин ҳозирлади.

Ҳакамлик суди иқтисодий низоларни ҳал қиладиган ва давлат тизимига кирмайдиган махсус орган сифатида тузилади.

Тарафлар учун низоларни кўриб чиқиш ҳакамлик шаклининг муҳим омили келишув битимига эришишдир.

Ҳакамлик судининг роли давлат судларига қарама-қаршилик эмас, балки низоларни ҳал қилишнинг ўзгача, янги усулини таклиф қилишдир, бинобарин ҳакамлик судларини ташкил этишдан мақсад қандайдир янги ҳуқуқий тизимни шакллантириш деб ўйлаш хато бўлар эди.

Низони мазмунан ҳал қилиш учун ҳакамлик судига ўтказишга тарафлар ўртасида ҳакамлик битими мавжуд бўлганда ёки ўртасида тузилган шартномада шундай қоида мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Низо ваколатли (хўжалик судида) судда кўрилаётган даврда тарафлар томонидан ҳакамлик битими тузилиб, ишни кўриш учун ҳакамлик судига ўтказишга, ваколатли суднинг мазкур иш бўйича тегишли қарори чиққунга қадар йўл қўйилади.

“Ҳакамлик суди тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва республикада ҳакамлик судларининг ташкил этилиши хўжалик субъектлари ўртасидаги низоларни давлат иштирокисиз ҳал қилиш механизмини яратади.

Юқоридагилар билан бирга Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан Фармонда назарда тутилган тадбиркорлик субъектларига фақат суд тартибидагина қўлланадиган ҳуқуқий таъсир чораларини кўриб чиқиш тартиб-таомилини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича; хўжалик судлари даъво тақдим этилиши чоғида тўланадиган хорижий валютадаги давлат божи ставкаларини миллий валютадаги давлат божларининг амалдаги ставкалари билан унификация қилиш бўйича; суд ишларининг қўшимча тоифаларини ҳисобга олган ҳолда судлар таркиби ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш масалалари бўйича судьяларни қайта тайёрлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тўғрисида; қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш топширилган. Ҳозирда бу топшириқнинг ижроси бўйича вазирлик томонидан изчил чора-тадбирлар амалга оширлмоқда.

Ушбу Фармон мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашишини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишининг олдини олишда муҳим ва ижобий ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб қолади.

**Суҳбатдош:**
**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

**(Боши 1-бетда)**

## Ғаламислардан асрайлик

***Дилфуза Ҳабибуллаева, тарих фанлари номзоди, доцент, ЎзМУ кафедра мудири:***

–Бугунги кунда ўзларини исломий атаётган турли диний оқимлар ва ҳаракатлар мавжуд. Улар қаторида асосан Фарғона водийсида кенг фаолият олиб борган акромийлар гуруҳи ҳам атрофда бўлаётган ўзгаришларни, юксалишларни ҳазм қила олмай, халқни бу йўлдан чалғитиш мақсадида гўё бугунги кунда ислом дини куфрга айланиб кетаётгани ҳақида бонг уриб, олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг ҳаммаси куфр, дея талқин берадилар.

Улар ўз кўламини кенгайтириш учун ҳаттоки махсус дастур ишлаб чиққанлар. Ушбу дастур асосида аҳоли орасида омади юришмаган, иши келишмаганларни ўзларига тобе қилишга уринишади. Албатта, яширин тарзда турли тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишиб, исломга фақатгина давлат тўнтаришини амалга ошириш ва зўравонлик ҳамда ҳукуматга кескин талабларни қўйиш орқали эришиш мумкин, дейишади. Шу маънодаги ўзларининг адабиётларини тарқатишади. Ўша... қаердадир адолатсизликка дуч келган ёки муаммолар билан ўралашган ёшлар бўлса, шу тариқа уларни ўзларига осонгина жалб қилиб олишади. Ўзларини гўё адолат пешволаридай тутишади. Мана шундан ёшларимиз, содда фуқароларимиз қатлами эҳтиёт бўлишлари керак.

Очиғини тан олайлик, ҳукуматимиз ислом динини ниҳоятда ҳурмат қилади, ислом дини учун нимаики керак бўлса, имкон, шароитлар яратиб берилган. Фақат мана шу имкониятлардан тўғри фойдаланиш керак. Зеро, ислом фундаментализмини соф диний эътиқодлар билан ниқоблайдиган бу тоифа гуруҳлар чангалига тушиб қолишдан огоҳ турмоқ бугуннинг муҳим шартидир.

Акромийлар тўнтариш ясаш мақсадида ожизаларни ўзларига тирик қалқон қилишдан ҳам уялмадилар. Президентимиз халқимизни аяган ҳолда, уларга бир неча бор огоҳлантиришлар берди. Лекин шунга қарамасдан, улар сурбетларча қон тўкишдан тап тортмадилар.

Улар ўзларини ислом вакиллари деб атайдилар. Лекин бегуноҳларга озор етказиш исломнинг тамойилларига тўғри келмайди-ку.

Андижон воқеаларидан кейинги жараённи олиб қарайлик. Матбуот анжуманида Президентимиз жуда тўғри таъкидладилар: Америкада бирор бир террористик акт содир этилган бўлса, ҳеч қачон биздан экспертлар бориб иштирок этмаган. Нима учун энди улар бизнинг юртимизга кириб, вазиятни ўрганиб баҳо беришлари керак? Бунга қўшимча қилиб айтишимиз мумкинки, қачонгача биз айрим давлатларнинг зўравонларча олиб бораётган сиёсатларини қўллаб-қувватлашимиз керак? Уларнинг зўравонлигини, мафкуравий тажовузини нега бир қатор Инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи ташкилотлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жим кузатаяпти?

Ёки водий марказидаги фожиани айрим хориж оммавий ахборот воситалари нотўғри талқин этиб, сохта маълумотлар билан Ўзбекистон, ўзбеклар шаънини тўкишга уринганликлари-чи... Бунда енг шимариб фаоллик кўрсатган журналистлар ғаразли кимсаларнинг манфаатларига хизмат қилишди, холос. Андижон воқеалари ҳақида бўрттиришларга Президентимиз жуда тўғри баҳо бердилар “Қанақа журналистсиз, сиёсатчисиз, агар бўлаётган воқеаларга объектив муносабатда бўлолмасангиз?” дея.

Шуниси кундай равшанки, Ўзбекистон ривожланиш йўлида. Мавжуд қийинчиликларни енгиб, демократик ислоҳотлар суръатини оширган. Энди... бу кимларгадир ёқмаса, биз айбдормасмиз. Қолаверса, ташқи сиёсатда ҳам Ўзбекистон доимо бетараф мулоқотларга тайёр.

Мустақил давлатларда бўҳронлар кўтаришга, ривожланиш йўлидан чалғитиб, таҳлика солишга хизмат этадиган “Озодлик ва демократияни олға силжитиш” доктринаси ғараздан иборат эканини халқимиз англаши керак.

**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири**
**Фарида МАҲКАМОВА**
**ёзиб олди.**

# Ватан ягона ва муқаддасдир



**(Боши 1-бетда)**

Ўзбекистонда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг қалбида ватанпарварлик, буюк аждодларимизга, халқ анъаналарига ҳурмат, миллий истиқлол ғоясига содиқлик каби ҳис-туйғуларни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бугун мамлакатнинг ҳар бир фуқароси, айниқса, ёш авлод вакиллари ўз тақдирини мустақил Ўзбекистон тақдири билан чамбарчас боғлиқ деб билади. Биз мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини, ўзлигимизни янада теран англадик, қандай буюк аждодларнинг ворислари эканимизни чин юракдан ҳис этдик ва миллий ҳамда умумбашарий қадриятлар уйғунлигида яшашга интилмоқдамиз.

Фестиваль давомида бу фикр яна бир бор ўз тасдиғини топди. Унда саккиз мингга яқин йигит-қиз иштирок этди. Албатта, анжуман ўтказилган спорт мажмуаси миллий истиқлол ғояси асосида жипслашиш, буни ўқиш, спорт ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ўз ютуқлари билан исботлаш, мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталикка раҳна солишга, халқимизни танлаган йўлидан қайтаришга уринаётган кимсаларга муносиб зарба беришга тайёр ёшларнинг барчасини сиғдира олмас эди.

- Аббос Бакиров, Сойиб Хўжаев сингари халқимизнинг таниқли санъат усталари ижод қилган театрда ишлашни ёшлигимдан орзу қилардим, - дейди Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма театрининг ёш актёри Рустам Аҳмадалиев. - 13 май воқеалари, театримизнинг ваҳшийларча вайрон қилиниши маданият, маънавият ва маърифат душманларининг ҳақиқий башарасини кўрсатди. Президентимизнинг фестивалнинг шиорига айланган сўзларида ўзбек халқи ва ёшларининг иродаси ҳамда орзу-умидлари ифода этилган. Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун биз янада ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз, жипслашишимиз даркор.

Бокс бўйича жаҳон чемпиони, халқаро турнирлар совриндори Ўткирбек Ҳайдаров бу фикрни қўллаб-қувватлади:

- Мазкур фестиваль ёшларимизнинг атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ эмаслигини, ўзини мамлакат келажаги учун жавобгар деб ҳис қилишини ёрқин намоён этди. Биз Юртбошимизнинг фикрига тўлиқ қўшиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Мен бундай ёвузликларни содир этадиган кимсаларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш тарафдориман. Зеро, Ватан ҳаммамиз учун ягона ва муқаддасдир.

Фестивалнинг кўплаб иштирокчилари ҳам шундай фикрни билдирдилар. Бу бежиз эмас. Ёшларимиз спортда ҳам, ўқишда ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари эса бунга ёққол мисол бўла олади.

Шунингдек, ватанпарварлик фестивалида ёш шоирлар, артистлар ҳам иштирок этдилар. Унда Ватан, мустақиллик, ёшлар тўғрисидаги шеър ва қўшиқлар ижро этилди. Зеро, мустақил мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши ва равнақ топиши, унинг келажаги ёшлар қўлида. Мустақилликни эса ватанпарварлик, фидокорлик, қатъий ишонч, ўқиш, спорт ва меҳнатдаги улкан муваффақиятлар билан ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш лозим.

Ёшларнинг ватанпарварлик фестивалида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***

СУРАТЛАРДА:
фестивалдан лавҳалар.
**М.АМИН(ЎзА) олган суратлар.**

МУКА 1 сорт 202,3 ▲ + 0,3 | МУКА 2 сорт 181,9 ▼ - 0,4 | ШРОТ 66,5 ▲ + 2,5 | ШЕЛУХА 25,2 ▼ - 1,1 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 5,0 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 840,0 ▼ - 0,3 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 840,0 ▼ - 0,8 | АММОФОС 244,8 ▼ - 0,1

